



« 16 » март 2017 йил

Урганч ш.

№ 140к

Нусха № \_\_\_\_\_

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 131-сон қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги “Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимевий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2640-сон қарори юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 131-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

### **Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 мартдаги 131-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Вилоят ҳокимининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
3. Вилоят ҳокимининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
4. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Юсупов), вилоят “Агрокимевий” АЖ (Искандаров), тегишли ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ў.Машарипов зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими**

**П. Бобожонов**